



Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2002 yil 29 noyabr juma № 48 (387) sotuvda erkin narxda

Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало огоҳ бўлиш дегани.

Ислом КАРИМОВ.

ОКСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) президенти Жан Лемьерни қабул қилди.

— Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимизни юксак қадралаймиз, — деди давлатимиз раҳбари учрашувда. — Зеро, мазкур банк Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга молик йирик халқаро молиявий ташкилотлар сирасига қиради. Шу боис ЕТБ билан ҳамкорлигимиз келгусида ҳам кенгайиб бориши тарафдоримиз.

Дарҳақиқат, ЕТБ ташкил этилганига атиги ўн йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, у жаҳондаги энг нуфузли халқаро банкларнинг бирига айланди. Ўтган давр мобайнида банк томонидан 27 мамлакатда умумий қиймати 20,2 миллиард евролик сармоя лойиҳалари молиялаштирилди.


Мамлакатимизда ЕТБ ҳамкорлигида қиймати 1,4 миллиард АҚШ доллари тенг жами 20 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Бу сармоянинг 723,8 миллион АҚШ долла-

рига тенг қисми ЕТБ улушидир. Айни пайтда яна 320 миллион долларлик 8 лойиҳа тайёрланмоқда. Бу рақамлар Ўзбекистон билан ЕТБ ўртасидаги ҳамкорлик нечоғли самарали кечаётганини кўрсатади. Зотан, ЕТБ Ўзбекистонни минтақамиздаги энг ишончли ва истиқболли ҳамкори ҳисоблайди.

Дароқе, ЕТБ Бошқарувчилари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2003 йилнинг майида Тошкентда ўтказилади. Бу ҳам ЕТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришга катта аҳамият бераётганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорлиқни кенгайтириш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий қилиш, ЕТБ Бошқарувчилари кенгашининг Тошкентда ўтажам мажлисига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

(ЎЗА).



Сирдарё вилоят Кенгашининг сессияси

28 ноябрь куни Гулистон шаҳрида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари юрти-мизда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш сиёсати мамлакатимиз, шу жумладан Сирдарё вилояти тараққиёти учун янги-янги имкониятлар очиб берганини таъкидлади. Вилоят меҳнатқашлари мураккаб об-хаво шароитига қарамай, икки йилдан буюн ғалла бўйича шартнома режасини бажариб келаяпти. Жорий йилда чет эл сармояси иштирокида 9та қўшма корхона ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 30тага етказилганлиги амалга оширилаётган исло-

хотларнинг амалий натижасидан далолатдир.

Президентимиз виллоят ривожини йўлида гов бўлаётган камчилик ва нуқсонларга алоҳида тўхтади. Улар, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги муаммолардир. Бугунги кунда виллоятдаги зарар билан ишлаётган йирик саноат корхоналари томонидан қўрилган зарар миқдори шу йилнинг 9 ойи мобайнида 2 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди. Саноат корхона-лари оғир ҳалокатга учирди-лар тополмаган 2 миллиард 500 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан ётибди. Юртбошимиз виллоятда қишлоқ

хўжалиғи соҳасидаги ишлар ҳам қишлоқли эҳсонлигини афсус билан таъкидлади.

Сессияда раҳбар кадрларни тарбиялаш, улар билан ишлашнинг самарали тизимини яратиш, ҳусусан, сергайрат, билимли ва фидойи ёшларни масъул лавозимларга қўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов давлат ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўлишдек буюк мақсадга эришиш йўлида ёшларимиз фақат билим, хорижий тиллар, илғор тажриба, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллаш билан кифояланиб

қолмай, балки ана шу мураккаб ҳаётни, одамлар билан муоамала-муносабат қилишни чуқур ўрганишлари ҳам зарур эканини ўқитди.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. Алишер Исроилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан виллоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳисса қўлишдек буюк мақсадга эришиш йўлида ёшларимиз фақат билим, хорижий тиллар, илғор тажриба, замонавий техника ва технологияларни пухта эгаллаш билан кифояланиб

фермер хўжалиғи бошлиғи Ж.Умурзоқов, Ширин шаҳри ҳокими Ж.Бутабоев, виллоят ҳокими ўринбосари А.Кривон, Шароф Рашидов тумани ҳокими А.Примкулов, виллоят реабилитация маркази бош врач Т.Рохина, Ховос тумани ҳокими Р.Турдиев ва бошқалар Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифалар бажариш янада ташаббускорлик ва масъулият билан ишлашга, мавжуд имкониятларни тўла сафарбар қилишга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга ундашни таъкидлади.

(ЎЗА).



Тойлок туманидаги «Ада» агроинвест Ўзбек-Америка қўшма корхонаси замонавий технологияларни қўллаб, сифатли қайта ишланган мева, узумни жаҳон бозорига чиқармоқда. Жамоа бу йил туман хўжалиқлари-дан 6 минг тонна ҳосилни қабул қилиб олди. Энди қайта экспортга жўнатилади. Шу йил иккисидийнинг юксалтирилиши янги имкониятларни яратилади.

СУРАТЛАРДА: корхонадаги иш жараёнлари акс этган. Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, олган суратлар.



«Адолат»га жавоб берадилар

«ЎЛИК ЖОНЛАР»

(«Адолат» газетаси, 2002 йил, 13 сентябрь, №37)

Газетамизда чоп этилган ушбу сарлавҳали танқидий мақолада Самарқанд вилоят ижтимоий таъ-қидий ва почта идоралари мансубдорларининг но-минот ва почта идоралари ҳақида ёзилган эди. Қўни кеча биз «Ўзбекистон почтаси» давлат ак-циядорлик компанияси раҳбариятидан жавоб мак-туби олдик. Қуйида ушбу жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компани-яси «Адолат» рўномаси-нинг 2002 йил 13 сентябрда чоп этилган «Ўлик жонлар» мақоласини атрофича муҳо-кама қилди.

«Самарқанд почтаси» ак-циядорлик жамияти ва Са-марқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ходим-лари иштирокида виллоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бош-қармаси ва «Самарқанд почтаси» АЖнинг 2002 йил 8 июлдаги 78/144-а сонли буйруғига асосан Пастдаргом туман почта филиалида ва унга қарашли бўлган алоқа бўлимида 2001 йил 4-сентябрда пенсия ва нафақа пулларини тўлашни буйи-қарашли қайта текшириш да туман ижтимоий таъ-минот бўлими ходимларининг айби билан 14 та алоқа

бўлимига 533 донна сохта тўлов топшириқномалари юборилиши оқибатида 30914428 сўм ўзлаштирилган. 8 та алоқа бўлимидаги мавжуд тўлов топшириқномаларига пенсия ҳужжатидидаги суммага нисбатан асосан ўзгариш киритиш натижа-сида 10411248 сўм, 14 та алоқа бўлимида ҳисоботда 2 маротаба қўшиб ёзиш ҳисо-бида 2784086 сўм, жами 4 5246848 сўм пул маблағ-лари ўзлаштирилганлиги аниқ-ланган.

Аниқланган ҳолатлар буйи-қа Пастдаргом тумани Жума почта алоқа корхонасининг 2002 йил 24 июндаги 12-6 сонли буйруғига асосан 16-сонли буйруғига асосан ва алоқа бўлими бошлиқлари ва бош ҳазиначи эгаллаб турган лавозимидан бўшатирилган. Алоқа бўлими бўшати-рилган ва прокуратура томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Бундай ноҳус ҳолатларни олдинчи олиш мақсадида те-гишли қарорлар қабул қилин-ди.

Ю. Эшмуратов, пенсия тўло-вари буйича назоратчи Н. Бо-боназаровлар ишдан бўша-тилганлар ва ўзлаштириш ҳолатлари буйича барча ма-териаллар прокуратура орган-ларига топширилган.

Пастдаргом тумани Жума филиалида ўзлаштирилган маблағлар айбдорлардан ун-дирилмоқда.

Ургут туман почта шўба-сида 2 ҳолат буйича жиноий иш очилган. Мирза қишлоқ алоқа бўлими хабарчиси У. Исомиддинов 42521 сўм 72 тишин ўзлаштирилганлиги учун жиноий иш очилган. Ҳозирги вақтда келтирилган зарар айб-дор шахс томонидан ундирил-ган. Туман почта шўбасининг 2002 йил 18 сентябрдаги 42-сонли буйруғи билан У. Исомиддинов эгаллаб турган ла-возимидан бўшатирилган.

Айбдорлар ишдан бўшати-либ, барча материаллар тер-ловчи органларга топширил-ган ва прокуратура томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Бундай ноҳус ҳолатларни олдинчи олиш мақсадида те-гишли қарорлар қабул қилин-ди.

«Самарқанд почтаси» акция-дорлик жамиятида пенсия тўловларини тўлашда йўл қўйилган камчиликларни бар-тараф этиш буйича тегишли

чораларни қўрмаганлиги ва қўл остидаги ходимларнинг иши устидан назоратни сувай-тирилганлиги учун жамият ди-ректори А. Фафоров билан тўзтилган меҳнат шартномаси бўйича кенгаши мажлисининг 5-сонли қарорига асосан муд-датидан олдин беқор қилин-ди.

Почта алоқа корхоналари-да пенсия пул маблағларини тўла сакланишини ва пенсия тўловларини ўз вақтида тўла-нишини таъминлаш ҳамда маълумотларни умумлашти-риш устидан назоратни қучай-тириш мақсадида барча фи-лиалларга компьютер ўрна-тиш ва уларни махсус дастур-лар билан таъминлаш режа-лаштирилган. Филиалларни компьютер техникаси билан таъминлаш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот ва ком-муникация технологияларини ривожлантириш фонди томо-нидан маблағ ажратилиши буйича зарур бўлган ишлар олиб боришмоқда. Компания томонидан «Пенсия тўло-варини назорат қилиш таъминот дастури»ни ишлаб чиқиш буйича шартнома тузилиб дастур яратиш учун зарур бўлган техник вазифалар иш-лаб чиқилди.

Бугунги кунга келиб, виллоят

меҳнат ва аҳолини ижтимо-ий муҳофаза қилиш бошқар-маси билан биргаликда пенсия тўловларини назорат қилиш мақсадида қўшма текшириш ўтказиш ишлари йўлга қўйилган ҳамда «Са-марқанд почтаси» акциядор-лик жамияти буйича пенсия тўловларини пенсиядорлар-га ўз вақтида етказиб бе-риш юзасидан қора-тадбир-лар ишлаб чиқилди ва на-зоратга олинди.

Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-фаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахбо-ротлаштириш агентлиги биргаликда «Пенсия тўлов механизмининг тақомиллашти-риш, маблағларнинг сак-ланишини таъминлаш, пенсия тўловларини ўз вақти-да амалга ошириш буйича комплекс чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўриб чиқиш ҳамда қў-лиш жараёнида турибди.

Ушбу тадбирлар кейинча-лик пенсия маблағларини тарқатишда ўзлаштириш ва ўғирлашларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Р. ТУРҒУНОВ, «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси Бош директор ўринбосари.

Огоҳлик — турмушимиз тарзи

МАҲАЛЛАНИНГ ТАЯНЧИ

ёки янги ташкил этилаётган милиция таянч

пунктлари хусусида

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам фуқаролар тинчлиги ва осойишталиги-ни сақлаш борасида талай ишлар амалга оширил-моқда. Бу борада сўнгги йилларда маҳаллаларда ташкил этилаётган милиция таянч пунктларининг ҳис-саси салмоқли бўлмоқда. Виллоятда ҳозирга келиб 314 та шундай пункт фаолият кўрсатмоқда.

Мутлақо замонавий усулда барпо этилаётган бун-дай масканларда эндиликда маҳалланинг профилак-тика инспекторлари фаолият кўрсатмоқда.

Маҳаллалардаги милиция таянч пункти асосан қан-дай иш билан шуғулланади? Унда фаолият кўрса-таётган профилактика инспекторининг асосий вазифа-лари нимадан иборат? Унинг аввалги участка инспекторларидан фарқи нимада?

Қуйичирик туманидаги 1-милиция таянч пункти «Ўзбекистон» қишлоқ фуқа-ролар йиғини ҳудудда жойлашган. Туман ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, милиция майори Турсун Валиевнинг айти-шича, у тумандаги янги услубда қўрил-ган ва иш бошлаган илк милиция таянч пункти бўлиб, ўтган йилнинг 5 сентябри-да ишга туширилди.

Кўркам, замонавий усулда қайта қўрилган мазкур милиция таянч пункти-да иккита профилактика инспектори бил-лан ёнма-ён маҳалла оқсоқоли, йигир-ма нафарга яқин маҳалла посбонлари, воёга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбу-зарлиқнинг олдини олиш профилактика инспектори, тарбиячи-педагог, маҳалла яраштирув ва келиштирув комиссияси, хотин-қизлар қўмитаси биргаликда иш олиб бормоқда.

Кўриниб турганидек, маҳалла тинчли-ги ва тотувлиги учун камарбаста эл хиз-матчиларининг аксарияти бир жойда жамланган. Хар қандай юмуш биргалик-да, бамаслаҳат ҳал этилмоқда. Энг му-ҳими, пункт маҳалла аҳли учун доимо очик. Одамлар унга хоҳлаган вақтда, ис-талган масалада мурожаат қилиши мум-кин. Бошига ташвиш тушса, аввалгидай дардини кимга айтишни билмай сарсон бўлиб қолмайди.

Қўл йўлдан бери шу соҳада ишлаб ке-лаётган профилактика катта инспекто-ри, милиция капитани Йўлдошбой Тўла-ков билан суҳбатимиздан унинг ўз иши-дан мамнун эканини билиб олдик. Хиз-мат учун янги «Тико» автомашинаси бе-рилган. Маҳалланинг исталган жойига тезда етиб бора олади, воқеалардан вақтида хабар топади.

Маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик-да олиб борилаётган тадбирлар нати-жасида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сезиларли даражада қамай-моқда. Яраштирув ва келиштирув комис-сиясининг фаолияти, айниқса, катта са-мара берапти. Қисқа вақт ичида йигир-мага яқин нотинч оила муроасага келти-рилди. Бу шунча оилада тинчлик қарор топти, маҳалла аҳли ортиқча безовта-ликдан халос бўлди дегани.

Ҳудуддаги ўн минг аҳолига хизмат кўрсатадиган милиция таянч пункти аҳолининг ўзига хос маданий-маърифий масканига ҳам айланиб бормоқда. Бу ерда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш маркази, чоргоққина бўлса-да, кутубхо-на фаолият кўрсатмоқда. Таянч пункти-нинг ёнгинасида маҳалла гузари қад ростлаган. Барпо этилган спорт-соғлом-лаштириш майдончаси эса ёшларнинг сеvimли дам олиш жойи.

Туманда бундай замонавий масканлар ҳозир йигирматага яқинлашиб қолди. Бўқа, Пискент, Тошкент туманлари,

Бекобод, Янгийўл ша-ҳарларида қуриб фойда-ланишга топширилган ми-лиция таянч пунктлари ҳам қўлайликлари билан эътиборни тортади.

— Таянч пунктларини бунёд этишда маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва хўжалиқлар, тадбиркор-ларнинг хомийлик ёрда-ми жуда катта бўлмоқда, — дейди виллоят ички иш-лар бошқармаси ҳуқуқбу-зарлиқларнинг олдини олиш бошқармаси бошли-ғининг ўринбосари, мили-

ция майори Шухрат Тошмухаммедов. — Натижада виллоят шаҳар ва туманлари-да 34 милиция таянч пунктлари барпо этилди.

Айни кунларда милиция таянч пункт-ларида моддий-техника базасини мус-таҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқ-да. Хусусан, уларнинг ҳаммаси алоқа воситалари, зарур жиҳозлар билан тўла таъминланди. Етти минг нуса ҳуқуқий мавзудаги адабиёт тарқатилди. Авто-транспорт билан таъминлаш масаласи ҳам илҳомий ҳал этилмоқда.

Эндики энг асосий вазифа маҳал-лада профилактика инспекторларининг нуфузи, обрў-эътиборини оширишдан иборат, — деди сўзда давом этиб Ш. Тошмухаммедов. — Улар жойларда на-фақат ички ишлар идорасининг, балки халқнинг ҳам ишонган вакили бўлмоғи учун курашяпти.

Сир эмас, айрим одамлар онгда ми-лицияга нисбатан фақат жаза органи, деб қарашдек эскича тасаввур сақла-ниб келмоқда. Бунга маълум маънода ўзимиз ҳам айбдоримиз. Чунки маҳалла-даги аввалги «участковийлар» ўғри ёки безорининг, муштумзур эрининг таноби-ни тортиб қўйиш билан шуғулланиб кел-ган. Уларнинг ўрнида иш бошлаётган профилактика инспекторларимиз эса асосий эътиборни жиноятчини қазола-ша эмас, балки аксинча — жиноятнинг олдини олиш, фуқаролар, айниқса ёшларни ёмон йўлдан қайтаришга, ма-бодо низо чикса, рақибларни маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат яраш-тиришга қаратмоқда.

Кўриниб турибдики, профилактика инспекторининг вазифаси жуда шараф-ли, аини пайтда ўта масъулияти ҳам-дир. Билим ва тажрибаси, касб одоби, муомала маданияти катта аҳамиятга эга экани назарда тутилиб, инспекторлар-нинг касб-малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирга-ча профилактика инспекторларининг бир гуруҳи Ички ишлар академиясида, Тошкент ҳарбий олий ўқув юртида қисқа муддатли курсларда ўқиб қайтиди. «Энг яхши милиция таянч пункти ва профи-лактика инспектори» қўриқ танлови эса тўпланган тажрибаларни тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олди-ни олишда муҳим аҳамият касб этмоқ-да.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалар-да фаолият кўрсата бошлаган милиция пунктлари аҳолининг ҳақиқий таянчига айланиб бормоқда. Профилактика ин-спекторлари маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигига жиддий қайил бўлиб майдонга чиқди. Ички ишлар идорала-рини ислоҳ қилишдан асосий мақсад ҳам шу.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА муҳбири.

ФАОЛЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Самарқанд вилоятида «Миллий қадриятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли» тан-лови яқунланди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш, тинчлик ва тотувлиқни таъминлашда маҳалла оқсоқоллари фаоллигини, фуқаролар ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшларни турли ёт таъсирлар ва гўёхандлик иллатларидан сақлаш мақсадида ташкил этилган мазкур та-лавлонинг «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» тури бўйича Қўшработ туманидаги «Шовона» ма-ҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Абдуғаниев, «Маҳалла посбонлари сардори» тури бўйи-ча Сиеб туманидаги «8 Март» маҳалла посбонлари сардори А. Насимов, «Энг фаол мили-ция таянч пункти нозир» турида Сиеб тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори И. Мансуров ғолиб деб топилди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

У. РЎЗИЕВ.

ҒОЛИБЛАР «ТИКО» ОЛДИ

Соҳалар бўйича қўриқ-танловлар ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Бундай тадбирлар му-айян соҳада пайдо бўлган янгилик ёки ўзига хос иб-ратли тажрибани юзага чиқариш ва кенг омаллаш-тириш имконини беришмоқда. Иккинчидан, ўзаро му-лоқот ва фикр алмашувлар жараёнида келгусида соҳа ривожининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор бе-риш зарурлиги аниқлаб олинмоқда.

Сурхондарё вилояти маҳаллалари милиция таянч пунктлари ўртасида ўтган қўриқ-танлов ҳам шу жумладан эътиборга сазовор тадбир бўлди. Тан-ловда таянч пунктлари вакиллари аҳоли ўртасида тинчлик ва осойишталиқни таъминлаш, маҳалла фаоллари ва жа-моат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорлик, фуқаролар ҳуқуқий мадани-ятини ошириш, ёшлар билан ишлаш борасидаги ўз тажрибаларини намойён этди.

даги «Сарик» маҳалла милиция таянч пункти учинчи ўринга сазовор бўлди. Хар уччала таянч пункти «Тико» ав-томашинаси билан мукофотланди.

Эътиборли жиҳати — виллоятда ҳозир 238 маҳаллада милиция таянч пункти ишлаб турибди. Уларнинг барчаси мах-сус бино ва замонавий асбоб-ускуна-лар, алоқа воситалари билан таъмин-ланган.

Чори ТЎХТАЕВ, ЎЗА муҳбири.

Соғлом авлод учун

Суҳбатдошлар:
Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ,
журналист.
Ҳазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» муҳбири.

ҚОИДАНИ БИЛАДИГАН ПАНД ЕМАЙДИ

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ҳайдовчиларнинг автомобилни белгиланган қоидага риоя қилган ҳолда бошқаришларига боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир ҳайдовчи ниятда малакали бўлиши талаб этилади.

Хўш, бунга эришиш учун Каттақўрғон туманлараро автомобилларни рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлимида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Мухбиримиз шу ҳақда бўлим бошлиғи Юсуф ИБРОХИМОВ билан суҳбатда бўлди.



қоидамизни тушунирамиз, рад жавобини қайтарамиз.

Бўлимнинг шахар ва туман марказларидан бироз четроқда жойлашган. Рўйхатдан ўтказилаётган техника транспортларини суғурта қилиш ёки рақамини алмаштириш учун Халқ банкларига пул тўлашга тўғри келади. Бу борада бирор имтиёз яратилганми?

Бўлим қошида суғурта ташкилоти ва Халқ банки хизматлари учун алоҳида хоналар ажратилган. Бундан ташқари ҳужжатларни тўғри тўлдиришлари учун махсус кўргазма ташкил этилган. Уларда «Транспортнинг турлари ва тўлов пуллари ёзиб қўйилган. Шунингдек, узок туманлардан келганлар учун дам олиш жойлари ташкил этилган. Баъзи бир ҳужжатларни тўлдиришда тушунмовчилик бўлса, ходимларимиз ҳолисона маслаҳатларини беришади.

Шахар, туманлардаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари билан ўзаро муносабатларингиз қандай?

Ҳаммамининг мақсади-миз битта. У ҳақ бўлса, ҳай-

Жиноят ва жазо

ЁВГА АЙЛАНГАН КУЁВ

Тошкентлик Исмоиловлар қизлари Севарани ҳамшаҳарлари Шавкат Асильова турмушга бераётганлигида унинг фақат яхши томонларига эътибор бериши. Булажак куёвнинг яхши тартибдаги тадбиркорлиги ҳам уларга маъқул тушди. Тўғри-да, бозор иқтисодиёти шароитида қуруқ маошга кўз тикиб яшовчилардан кура яхши тартибда бўлса-да тадбиркор бўлгани не етсин, дейишарди улар.

Аммо куёвнинг 1993 йилда ҳамза туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 204-моддаси 2-қисми билан айбонлиги, у йил мундтада озоликдан маҳрум қилинганлиги сабабларини чуқур ўрганишмади. Ҳаттоки яхши ният билан қизларини танмаҳрамлиқ берган одамларга йигит меҳрибон қувъ эмас чинакамга ваҳший ёв бўлиб чиқди.

Тўйлари эл қатори шодийна ўтган келин-куёвнинг хурсандликлари лоақал бир ҳафтага ҳам етмади. Ҳафта сўнгидея куёв келинни ҳеч бир сабабсиз уриб, қаттиқ хафа қилди. Аммо бунинг учун янги келинчақдан кечирим сўрамади. Аксинча, уни яна ва яна уяверди. Натижада келинчақ касалхонага тушиб қолди. Шундан кейин келин-куёв мо-жаросига ота-оналар аралашди. Бироқ бундан ҳам натижа чиқмади.

Келин-куёв ораларидаги муносабат кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Куёв келинни қатқаштириш қилишди. Сабабини сўрашса, куёв «характеримиз тўғри келмади» деб жавоб берди.

Бас шундай экан, энди нима қилмоқ керак? Бу саволга икки хил жавоб тополмаган келиннинг ота-онаси қизларини ажратиб олиб кетишга аҳд қилишди. Бундан хабар топаган куёв келинчақка:

Агар уйингга кетсанг, акаларингдан бирини ўлдирман ёки излаб топиб ўзингни ўлдирман, — деди.

Ие, нега энди? Унда нечун мен билан тинч эру хотин бўлиб яшашни хоҳламай, уяверасиз?

Характеримиз тўғри келмади, деяпман-ку! — Унда ҳадеб аёвсиз уявермай жавобим-ни беринг-да!

Июк, жавобингни бермайман!

Шундан кейин ҳам куёв келинни уявер-гач, ота-она шўрлик нима қилсин? Нойлоқ қизларини кўн-қўрони билан уйларида олиб кетишди. Куёв томонидан эса уларни яраш-тириш ҳақида бамаъни гап чиқмади. Ҳафса-лалари пир бўлган ота-она энди фарзанд-ларини расман ажратиш ҳақида оғиз очиш-ди.

Энди ўртадаги никоҳни бекор қилиш йўлини излаш керак, — дейишди улар.

Эр-хотин Исмоилов ва Исмоилова шу ма-қсада куёвнинг уйига йўл олишди. Ниятла-ри қудаларига куёв бундан буён келинни иш-жойига излаб бораверишни тўхтатсин, ни-коҳини бекор қилишнинг ташаббуслик дей-иш эди. Аммо уларга куёв ҳовлисида қириш-насиб қилмади. Энди кўча дарвозаси олди-га боришганда ортларидан катта ўғиллари етиб борди.

Ие, келинг ўғлим, нима гап, тинчлик-ми?

Тезда уйга қайтинглар, укам Бехзоди ўлдириб кетишди!

Нахотки! Куёв чиндан ҳам ёлғизини қил-ган бўлса-я!

Ха, шунақа қилди...

Шўрлик ота-она не қўз билан қўришсин-ки, уйда тинчгина ухлаб ётган ўғиллари бўйинлари, кўкрак ва қўлларидан бир неча бор пичоқланган ҳолатда элиб ётар эди.

Ўғлимиз Бехзод, эндигина 21 ёшга тўлувди, — дейишди улар кейинроқ суд маж-лисида. — У ҳеч қимга озор бермайдиган беозор йигит эди. Санъаткор бўлмоқчи эди. Унинг бирор қиёсига ноҳўя тўсда, қаттиқроқ гапирганини ҳеч эслаб олмаимиз. Қотил куёв нега энди уни шу ухлаб ётган ҳолатида ўлдирди экан, тушунолмаймиз!

Уша куни бир ўртоғининг тўйига бо-риб 300 граммга яқин ароқ иingan эдим, — дейди қотил куёв суд мажлисида. — Бозорга бориб хотинининг акаларини қўрқитиб қўйиш учун бир донга ошхона пичоғини со-тиб олдим. Соат тахминан ўнларча хотини-нинг ота-онаси яшайдиган уйга бордим. Ка-расам, эшиклари очик экан. Ҳеч қимни ча-қирмай тўппа-тўғри уй ичкарасига кирсам, Бехзод ўз хонасида ухлаб ётган экан. Уй-

Шундай қилиб, судланувчи Ш. Асильовнинг содир этган жинояти унинг дастлабки тер-говдаги ва суд мажлисидаги қўрсатмалари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатмалари, воқеа жойини кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фототаб-лицалар, суд тиббий экспертизасининг ҳу-лосаси ҳамда жиноий ишга тиркалган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд жиноий иш материалларини чуқур таҳлил қилиб, судланувчи Ш. Асильовнинг жи-ноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республика-си ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «а», «ж» бандларини қўллаб уни 19 йилга озодлик-дан маҳрум этди ва бу жазони қаттиқ ре-жимдаги колонияда ўтатишни лозим деб то-пи.

Шундай қилиб қотил куёв жазосини олди. Аммо у бу жазони ўтаб бир кун яна уйига қайтди. Лекин марҳум Бехзод Исмоилов энди ҳеч қачон қайтмади. Унинг ота-онаси, ака-синглилари қалбидан жой олган жудалик доғи ҳам ҳеч қачон ўймади. Шу-ларни уйларида, қотилга қайта-қайта на-тлар ўқийсан, киши.

Шу ўринда бир мулоҳазамиз шунки, қу-да-чилик — минг йилчилик, дейдилар. Бас, шун-дай экан, қуда таллашда ота-оналар, келин ва куёв танлашда ёшлар ҳеч қачон аниқли-масин, дейимиз. Эеро, ҳеч қимнинг бошига Исмоиловларнинг бошига турган қайғу туш-масин.

Хабарулла МИРЗАРАХИМОВ, Жиноят ишлари бўлими Тошкент шаҳар судининг судьяси. Мурод КАЛОНХОН, журналист.

ҚАЙДАСИЗ, ОНАЖОНИМ!

(Қатра)

Сизни оламдан ўтганингизга ҳали бир йил бўлмади. Мен кузнинг ҳазонрезги пайт-лари бошланишдан қўрқаман. Энг озор-ли ва аянчли кўз ойининг бир санаси — ўша машум кунни эслаш юрагимни қай-ноқли бир ларзага солади.

Онажоним, сиз оламдан ўтган кунин-гиздан бошлаб, яшаб юрган тириклар қа-дрили ва аянчли кўз ойининг бир санаси — ўша машум кунни эслаш юрагимни қай-ноқли бир ларзага солади.

Онажоним, сиз оламдан ўтган кунин-гиздан бошлаб, яшаб юрган тириклар қа-дрили ва аянчли кўз ойининг бир санаси — ўша машум кунни эслаш юрагимни қай-ноқли бир ларзага солади.

Она умрининг энг ширин палласида тили энди чиқиб бийронлашиб бораёт-ган болажонларини энг азиз кишига айланган дамларда полапоналарини тарк этса, бу гоёт аянчли ҳол экан.

Ҳаётнинг бу тиконли зарби мурғак гўдакларнинг қалбига муҳралиб қолди. Уларни фақат битта савол қийнади.

Нега, биз онасимиз... Қани, биз-нинг онамиз! Нега ахир?... Нима учун?...

Бу оғриқли савол гўдакларни қанча-лик қийнашни тасаввуримга сиғдири-шим қийин. Дунёда ҳеч қачон бола онам деб бўзлаб қолмасин...

Виллот ШОДИЕВА.



Қизлар табассуми оламни безар. Қозим УЛМАСОВ олган сурат лавҳа.

«МАТИЗ» УЧУН БЕНЗИН БАКЛАРИ

Тўрт йилдирки Андижонда фаолият кўрсатаётган «Узсэмюнг» Ўзбе-кистон — Жанубий Корея қўшма кор-хонаси жамоаси ақиндан бошлаб «УздЭУавто» авто-мобил заводида ишлаб чиқарилаёт-ган «Матиз» авто-мобиллари учун бензин баклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйилди.

«УздЭУавто» билан тузилган шартномага кўра корхона йил охи-ригача 1400 бензобак ишлаб чиқариши керак. «Узсэмюнг» қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган даври-да «Нексия», «Тико» автомобиллари, «Да-мас» микроавтобуси ва «Нексия»нинг янги «Донс» русуми учун 23,1 минг дондан ор-тиқ бензобаклар иш-лаб чиқарилди.

Газетхон илҳами

РАМАЗОН — ПОКЛАНИШ ОЙИ

Оллоҳнинг муқаддас ойи — Рамазон, Бу ойда яралди Қуръони Карим. Халолу покликда, баркамол инсон, Нуридан ҳаммаша чарогон қалбим.

Рўзанинг савоби — файзу барокот, Бенуксон яшашга эътибор қилиш. Оллоҳнинг рўзанда берган қаноат, Ниятлар бўлгандир албат ижобат.

Саҳарлик вақтида ўқилган дуо, Дунёвий гамлардан овоз эътибор. Ният пок бўлса гар нур сочгай худо, Тоза кўнглиларни обод эътибор.

Тақорат поклайдир инсон жисмини, Соқитсан намоз-ла дўзах — азобдан. Тақорат-тақорат айтади Оллоҳ исмини, Мунаввар яшарсан буюк офтобдан.

Кўз очиб, юмгунча ўтади ҳаёт, Савоблар тарқ эмас сени ҳеч қачон. Рўза-но намознинг орузга қаноат, Қўшад сақлагай номингни жаҳон.

Рўзанда ифторлик, дуо, фотиҳа, Қўшунга қўндиран нурли қўшун. Мискинлар олишса ризқу-рўз, туҳфа, Яратган беради забардаст бини.

Оллоҳнинг меҳридор — Мохия Рамазон, Ўтганлар руҳлари ёдингга бўлсин. Халолу, покликда осуда жаҳон, Инсоний фазилат қалбидега ёнсин.

Заминда абадий халким шодлигим, Камолга етмакчи ворис-ўғлонлар. Муборак Рамазон — эл-юрт тинчлиги, Шодумон сургаймиз давру давронлар.

Рўзимат ДАМИНОВ.

«Обуна — 2003»

«АДОЛАТ» ХАМРОХИНГИЗ БЎЛСИН!



Азиз муштарий! «Адолат»га 2003 йил учун обуна бошланди. Армонда қолманг! У Сизга энг яхши суянчиқ, энг яқин ҳамроҳ, энг яхши кўмакдошингиз бўлиб қолади.

ОБУНА БАХОСИ:
Яхши тартибдаги обуначилар учун:
Олти ойга — 5970 сўм.
Бир йилга — 11940 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
Олти ойга — 6360 сўм.
Бир йилга — 12720 сўм.
Нашр кўрсаткичи — 100.

Эслатма: виллотларда газетани етказиб бериш ҳисобига обуна баҳоси бир мунча фарқ қилиши мумкин.

Шошилинг: 2003 йилда биз билан бирга бўлинг!

ТАҲРИРИЯТ.

Хангома

«ЭСМЕРАЛЬДА»НИНГ ТҮЙИГА ТҮЁНА

«Ёшлар» телеканалда «Эсмеральда» сериали бошлан-ган пайт. Ҳаммаминг диққат-эътибори ойнаи жаҳонда. Тўст-дан эшик тақиллаб қолди. Эшмат ақанинг хотини эрини-нига уридан қўзғалди. Остонада нотаниш йигит чўғдек қизил-гилани қўлтиқлаганча турарди.

— Опажон, мана шу гилани арзонга бераман, олинг?

Эшмат ақанинг хотини чиройли гилани кўриб ҳаваси-келиди. Ярим ҳаёли «Эсмеральда»да бўлгани учун сурштир-майди.

— Ҳозир ҳўжайинимдан сўраб чиқай, балки олармиз, — дея ичкарига ҳовлиққанча кириб кетди.

Бироздан сўнг эр-хотин қиқиб гилани кўра бошлашди.

— Дадаси олиб беринг, роса чиройли гилам экан.

— Эй, қўшанчи, хотин, бу гиламдан уйда бор-ку.

— Ўйда бор, лекин битта. Бу-нис билан иккита бўлади. Меҳ-монхонамиз анча кўркам қўри-нади.

Эшмат ақанинг кинининг ўтиб кетганидан ҳўноби ошди:

— Кўймадинг, кўймадинг-да. Хўп укам гиланинг қанча, Хўп укам гиланинг қанча, Хўп укам гиланинг қанча, Хўп укам гиланинг қанча.

«Эсмеральда»ни ҳам расво қилдинг. Кўнуду кўни келсанг бўлмасиди? — деди.

— Эй, ака, гиламинини сотаман деб кеч қолиб кетдим. Ҳаммасини сотдим, шу битта гилам қолди. Нархи бозорда ўн минг, майли сиз беш минг берақолинг.

Эшмат ака тезроқ ичкарига кириш учун:

— Ха, майли хотин бўлақол чўнтагимда пул бор олиб чиқиб бер, — дедида кинининг давомини қўришга ошди.

Хотин пулни олиб чиқарган эрини қачирди:

— Ҳўжайин, гиланимиз ёзиб қўйилганми?

— Эй, хотин «Эсмеральда» тамом бўлсин, кейин нима қилсанг қилаверасан.

— Ҳай, айтгандай! — Эшмат ақани хотинини эсига кино-тишиб шўшганча қачирилмаган меҳмонга пулни тўтқази-ди, дарвозасини қўлфлашди ҳам унутиб, ичкарига кириб кет-ди.

Икковлон кини мазза қилиб кўришган, гилам эсларига тушиб қолди.

— Ҳўжайин қоринг, гиламин ёзмаймизми?

— Майли.

Эр-хотин меҳмонхонага кириб чироқни ёққанча ҳўнг-манг бўлиб қолди. Ўйда на янги гилам на эски гилам бор эди. Яланғоч деворга эса катта қилиб «ЭСМЕРАЛЬДАГА РАҲМАТ!» деб ёзиб қўйилган эди.

Хотин ҳеч нарсасига тушунмай анграйиб қолди:

— Бу нима даласи?

— Нима бўларди хотин, — деди Эшмат ака ҳайрон бўлган-ча чакасини қашлаб, — қўшалоқ гиланимиз Эсмеральданинг тўйига тўёна қилиб юбордик.

Илҳом СИДДИКОВ.

Тошкент шаҳридаги П. Ф. Баровский номи тиб-биёт билим юртини 1981 йилда битирган Мунира Мухаммаднова Азизова но-мига берилган ДТ №842429 рақамли диплом йўқолганлиги туфайли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҒУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҲАБОВ, Р. З. АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МУЙДИНОВ, Т. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ, К. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ф. ЖҲАБОВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. Ғ. ТОШМУХАМЕДОВА, З. Т. ТҲАҚУЛОВ (Ўз мухбир).

Мўлоқот учун телефонлар: Кабулхона — 136-53-14. Ҳатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64. Котибият — 136-55-96. Факс: (8.371) 133-41-89.

МАЪЎЛИЙАТ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Бўртма Ғ — 1000. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А — 2.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Набатчи — Илҳом СИДДИКОВ. Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚҲОКОВ.

Газета IBM компьютерида терилди. Босишга тошхирдан 20.00.